



XALQ OG‘ZAKI IJODINING TURLI JANRLARIDA NUTQ

MADANIYATINING TAHLILI VA TAVSIFI

Hikmatxon Ahmedova, Qo‘qon DPI katta o‘qituvchisi

Annotatsiya. Xalq og‘zaki ijodi manbalarida qisqa, lo‘nda, oz, aniq, ma’noli, mazmunli, mantiqli, rost, ta’sirchan so‘zlash kabi nutq odobi va madaniyatiga doir xalq og‘zaki ijodi namunalarining mazmun mohiyati xususida fikr yuritilgan.

Kalit so’zlar: nutq madaniyati, maqol, topishmoq, doston, ertak, qo‘shiq, shirinkalomlik, nutq odobi.

АНАЛИЗ И ХАРАКТЕРИСТИКА КУЛЬТУРЫ РЕЧИ В РАЗЛИЧНЫХ ЖАНРАХ УСТНОГО НАРОДНОГО ТВОРЧЕСТВА

Хикматхан Ахмедова, старший преподаватель Кокандского ГПИ

Аннотация. В статье размышляется о сущности примеров народного устного творчества в речевом этикете и культуре, таких как короткая, емкая, мелкая, ясная, многозначительная, осмысленная, логичная, правдивая, эффектная речь.

Ключевые слова: культура речи, пословица, загадка, эпос, сказка, песня, лицемерие, речевой этикет.

ANALYSIS AND CHARACTERIZATION OF SPEECH CULTURE IN VARIOUS GENRES OF ORAL FOLK ART

**Hikmatkhon Akhmedova, Senior lecturer at
Kokand State Pedagogical Institute**

Annotation. The article reflects on the essence of examples of folk oral creativity in speech etiquette and culture, such as short, spacious, shallow, clear, meaningful, meaningful, logical, truthful, effective speech.

Keywords: culture of speech, proverb, riddle, epic, fairy tale, song, hypocrisy, speech etiquette.



Нутқ маданияти башариятнинг сўздек муқаддас неъмат билан зийнатланган куни билан тенгдош десак, табиийки, хали ёзув бўлмаган пайтдан, оғзаки ижод намуналари пайдо бўлган замондан мазкур масалага эътибор қаратилган. Халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари – мақол, топишмоқ, достон, эртак, асқия, ривоят, афсоналарда чиройли нутқ, маданиятли нутқ ҳақида кўп сўз борган, қаҳрамонлар тилининг ширинлиги, муомаласининг некбинлиги билан халқнинг орзу-умидларидағи қаҳрамонлар сифатида яшовчанлик касб этган. Айтимчилар ўз қаҳрамонларининг нутқига алоҳида эътибор билан қараган – уларнинг диолог, монологларида сўз нафосатининг қайралган ва кутилмаган гўзалликларини инкишоф этганлар. Сўз ва нутқнинг фасоҳати халқ яратган мақол ва топишмоқларда ҳам ўз ифодасини топган.

Лингвистиканинг асоси сўз бўлгани каби, нутқ маданиятининг асосини ҳам сўз ташкил этади. Бу соҳада сўзнинг ўзигина эмас, балки шу сўз ким томонидан, қандай шароитда ва қай йўсинда истифода этилаётгани муҳим. Шу сабабдан қадимдан то бугунгача яратилган ва яратилаётган оғзаки ва ёзма манбаларда сўз ва унинг ижросига (нутқ маданиятига) эътибор муҳим бўлиб келган. Халқнинг оғзаки ижоди намуналари бўлмиш асотир (миф), афсона ва эртакларда асарларнинг бош қаҳрамонлари ёвуз кучлар (девлар, монстрлар, ялмоғизлар ва б.)га дуч келганларида ширинкаломлик билан салом беришлари уларни тасодифий фалокатлардан асраб қолганликлари – “Саломинг бўлмаганида икки ямлаб бир ютар эдим” деган клешаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ёки “Зумрад ва Қиммат” эртагида Зумрад ўрмонда адаштириб келинганида ширинсуханлиги, саломини канда қилмаганлиги, меҳнатсеварлиги туфайли бойликларга сазовор бўлиб, соғ-саломат ўз хонадонига қайтганлиги, Қимматнинг эса инжиқ ва эркатойлиги, қўйол тиллилиги оқибатида шарманда бўлганлиги воқеалари ҳам ботинан



тил маданиятига, бинобарин, нутқ маданиятига алоқадорлиги билан эътиборни тортади. “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Маликаи айёр”, “Равшан”, “Юнус пари”, “Мисқол пари” сингари халқ достонларида айтимчиларнинг тил маҳорати туфайли насрый ва назмий матнларнинг тил материаллари билан шаклланишидаги фасоҳати, уларда истифода этилган лингвистик унсурлардаги коннотативлик, таъсирчанлик даражаси ҳам нутқ маданиятининг ўзига хос кўринишлари сифатида эътирофга лойиқдир. Чунончи, халқ достонларида кўп дуч келинадиган сажъларда айтимчи нутқининг фасоҳати янада бўртиб намоён бўлади. Шу жихатдан “Тохир ва Зухра” достонида бундай сажъ намунасига дуч келинади. Куютири сахросида саргардон бўлиб кезган Тохир юра-юра Гўшаи товусон деб аталадиган бир чаманзор жойга етишади. Бахши сажъ санъатидан маҳорат билан фойдаланиб, ҳар жойида мармардан ҳовузлар қилинган бу ажойиб гўшани “думини чодир қилиб юрган товуслар, булбуллар сайраган, тўтилар куйлаган, жами қушлар гир теварагини тўйлаган, кўрганни ҳайрон айлаган” деб таърифлайди. Ёки “Кутуғмиш” достонида Холбека таърифида айтилган ушбу сажъ ҳам нутқининг гўзал кўриниши сифатида эътиборни тортади: Холбеканинг юзлари тўлин ойдай, юришлари чопқиллаб юрган тойдай, соchlари шарқираб оққан сойдай; у ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш, ўн кам икки юз кокили бор; бир томонини тилла сувига ботирган, бир томонини кумуш сувига ботирган, шамолда қотирган...

Халқ қўшиқлари матнида ҳам шеърий нутқининг бениҳоя жозибали, маданий нутқ унсурлари билан зийнатланган мисраларга дуч келинадики, булар ҳам ўзбек халқи нутқ маданиятининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалиши, уларда инсон кайфияти, ақлу заковати, диду фаросатининг юксак даражада бўлганини кузатиш мумкин. Улардаги ташбеҳлар, метафора ва бошқа кўчимлар, муболағалар эшитгувчининг юрагини “жиз” этказиши



баробарида, рухиятига-да таъсир ўтказади. “Сунбула” аталмиш халқ қўшиғида бундай дейилади:

Фарғонада ўт ёқсан,
Андижонда тутуни.
Бу дунёда бормикан
Юрак бағри бутуни.
Бу дунёда бор бўлса,
Юрак-бағри бутуни
Қоғоздан ўчоқ ясай,
Гулдан қилай ўтинни...

Ёки “Галдир” (“Ишқда девона”) қўшиғидаги тил жозибаси, назокати ушбу мисралар мағзидан сезилиб туради:

Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани!?
Мен ёмондан айрилиб,
Яхшини топганинг қани!?
Оҳ урарман, оҳ урарман,
Оҳларим тутгай сани.
Кўз ёшим дарё бўлиб,
Балиқлари ютгай сани.

Айниқса, халқ мақолларида сўзнинг ва нутқ эгасининг нутқ жараёнидаги иштироки масаласига алоҳида диққат қилинган намуналари кўплаб учрайди. Ана шу нуқтаи назардан, халқ мақолларига, уларда сўзнинг қудрати, жозибаси, кишиларнинг нутқида сўзнинг иштироки мавзуларига дахлдор айрим намуналарини кўриб чиқайлик.

“Қиличнинг заҳри кетса ҳам, сўзнинг заҳри кетмайди” мақолида ҳам нутқда сўзни ишлатишдаги ҳушёрлик, кишининг дилига қаттиқ тегмайдиган



сўзларни истифода қилиш кераклиги хусусида гап боради. Шу ўринда бир қатор халқлар фольклорида кенг тарқалган “Дехқон билан айик” эртагини эслаш кифоя. Эртакда нақл қилинишича, дехқон билан айик дўст тутунади. Улар узок вакт бирга, тотувликда ҳаёт кечирадилар. Кунларнинг бирида дехқон айиқнинг баданидан келаётган тер ҳидидан жирканиб, ундан сассик ҳид келаётганидан шикоят қилиб, аччиқ бир сўз айтади. Бу сўз айиқни қаттиқ ранжитади. Шунда айик болтани олиб, дехқонга тутқазади ва бошига қаттиқ урушини сўрайди. Дехқон болтани олиб, айиқнинг бошига уради. Боши ёрилган айик ўкирганича ўрмонга кириб кетади. Орадан кунлар, ойлар, йиллар кечади. Кунларнинг бирида айик ўрмондан чиқиб келади ва дехқонга рўбарў бўлади ва болта жароҳатлаган бошини дехқонга кўрсатади. Дехқон айиқнинг бошидаги жароҳат битиб кетганини қўради. Шунда айик боши ва кўксини кўрсатиб, “бошимга сен урган болтанинг излари битиб кетди. Бироқ қалбимга сен етказган жароҳат хали ҳам битгани йўқ. Ҳар эслаганимда бу жароҳат янгиланиб, дилимни вайрон қиласди”, дея дехқонни изза қиласди.

Мақолларда сўз, нутқ ва нутқ одоби хусусида келтирилган мисоллар инсонда нутқ маданияти, сўзлаш усуллари, сўз бойлиги талаб даражасида бўлиши, инсон мумкин қадар чиройли сўзлар, айрим ўринларда бадиийлашган иборалар, халқ тилининг таъсирчан ва музайян ифодаларини ишлатиш меъёрларини ўзлаштириши ва буни одат тусига киритиши зарурлиги хусусидаги холосаларга олиб келади.

Айрим бир топишмоқлар ҳам сўз, фикр, сўзга чечанлик, нутқ имкониятларининг серқатламлиги хусусида эканлиги билан дикқатни тортади. Масалан, жавоби сўз, гап бўлган “Асалдан ширин, заҳардан аччиқ”, “Бирони сўйдирар, бирони куйдирар”, “Оғзимни очдим, учди-кетди, Самарқанду Бухоро бориб етди”, “Оғиздан чиққанча меники, оғиздан чиққани элники”, “Асал эмас, ёқади, ари эмас, чақади” сингари

топишмоқларда сўз, унинг таъсирчанлиги ва жозибаси мужассам эканлигини сезиш қийин эмас.

Бир сўз билан айтганда, халқ оғзаки ижодининг турфа жанрларида инсонни “ашрафул маҳлукот” қилган сўз, сўзлаш ва унинг одоби, қисқаси, нутқ маданияти борасидаги қарашлар мавжудлиги, нутқ маданияти ментал феъл-атвор бўлиб, халқнинг маънавий оламининг ажralmas қисми эканлиги кўп бора уқтирилганини сезиш ва ундан ибрат олиш мумкинлигини кўрсатади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

Мирзаев Т. Сўздан сўзниң фарқи бор:// Ўзбек халқ мақолари. Т.: Шарқ, 2005. Б. 3.

Н.Бердиёров, Р.Расулов “Ўзбек тилининг паремиологик луғати” Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

Ш. Шомақсудов, Ш. Шораҳмедовларнинг “Маънолар маҳзани” Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.

Улуқов Н., Абдулҳамидова Л. Нутқ маданияти таҳлил ва талқинлари. – Т.Наврӯз, 2017. Б.9.

Улуқов Н., Абдулҳамидова Л. Нутқ маданияти таҳлил ва талқинлари. – Т.Наврӯз, 2017. Б.9.

6. To‘xliyev B. O‘zbek adabiyoti. Toshkent: O‘qituvchi, 2000. B.105

7. Mirzayev T. So‘zdan so‘zning farqi bor:// O‘zbek xalq maqolari. T.: Sharq, 2005. B. 3.

8. Uluqov N., Abdulhamidova L. Nutq madaniyati tahlil va talqinlari. – T.Navro‘z, 2017. B.9.